iScience® Poland



# MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS

COLLECTION OF SCIENTIFIC WORKS
OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE

Issue 1(35)

Warsaw
2021

iScience® Poland

# MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS

ISSUE 1(35)

JANUARY 2021

Collection of Scientific Works

WARSAW, POLAND
Wydawnictwo Naukowe "iScience"
25th January 2021

**ISBN** 978-83-949403-3-1

MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS: a collection scientific works of the International scientific conference (25th January, 2020) - Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2021. - 306 p.

**Editorial board:**
**Bakhtiyor Amonov**, Doctor of Political Sciences, Associate Professor of Tashkent University of Information Technologies
**Bugajewski K. A.**, doktor nauk medycznych, profesor nadzwyczajny
Czarnomorski Państwowy Uniwersytet imienia Piotra Mohyły
**Tilabaev Sayipzhan Bakizhanovich**, Candidate of Historical Sciences, Associate Professor. Tashkent State Pedagogical University named after Nizami
**Temirbek Ametov**, PhD
**Marina Berdina**, PhD
**Hurshida Ustadjalilova**, PhD
**Oleh Vodianyi**, PhD

**Languages of publication**: українська, русский, english, polski, беларуская, казақша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, Հայերեն

The compilation consists of scientific researches of scientists, post-graduate students and students who participated International Scientific Conference "MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS". Which took place in Warsaw on 25th January, 2021.

Conference proceedings are recomanded for scientits and teachers in higher education esteblishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees.
The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.

**ISBN** 978-83-949403-3-1

© Sp. z o. o. "iScience", 2021
© Authors, 2021

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 1(35) ISBN 978-83-949403-3-1

# TABLE OF CONTENTS

## SECTION: AGRICULTURAL SCIENCE

**Жумабоев Зухриддин Муминович,**
**Мамадалалиева Саида Баходирбековна,**
**Фозилжонов Жавохир (Андижан, Узбекистан)**
ВЛИЯНИЕ ПОВТОРНОГО ПОСЕВА НА УРОЖАЙНОСТЬ ХЛОПЧАТНИКА........................................................................... 10
**Рахмонова Мадина Кимсанбоевна,**
**Саидганиева Шаходатхон Талатбек қизи,**
**Халилова Барно (Андижан, Узбекистан)**
МЕРЫ БОРЬБЫ С ВРЕДИТЕЛЯМИ СКЛАДОВ ОТРЯДА ЧЕШУЕКРЫЛЫХ........................................................................... 13
**Содикова Чинора Салохитдиновна,**
**Амиров Шавкат Кузибаевич,**
**Гаппаров Шавкиддин Таджиевич (Самарканд, Узбекистан)**
ПЕРСПЕКТИВЫ ПРОИЗВОДСТВА МЯСА В СКОТОВОДСТВЕ ........... 16

## SECTION: ART STUDIES

**Барибаева Айгерим Сабеновна,**
**Сабырова Алия Султанмуратовна (Алматы, Казахстан)**
ОБЪЕКТИВНОСТЬ ЧЕТВЕРТОГО НАПРАВЛЕНИЯ МУЗЫКОЗНАНИЯ........................................................................... 20

## SECTION: ECOLOGY

**Dilmanov Islam (Nukus, Uzbekistan)**
ACTUAL REASONS AND KEY SOLUTIONS TO AIR CONTAMINATION 26

## SECTION: ECONOMICS

**Narzullayeva Gulchehra Salimovna, Toirova Ma`suma Muxamm,**
**Qodirova Dilnoza Rasul qizi (Buxoro, O'zbekiston)**
SANOAT 4.0 INQILOBI VA BIZNI KUTAYOTGAN KELAJAK .................. 29
**Абдуллаев Зафаржон Алижонович,**
**Чориев Фазлиддин (Ташкент, Узбекистан),**
**Абдуллаев Алижон (Андижан, Узбекистан)**
ВОПРОСЫ ОПТИМИЗАЦИИ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ПРИБЫЛИ БАНКОВ........................................................................... 35
**Таирова Мавлуда Мухаммедризаевна,**
**Ахророва Нафиса Олимжоновна,**
**Қодирова Нозима Расул қизи (Бухара, Узбекистан)**
ОСОБЕННОСТИ МАРКЕТИНГА НА РЫНКАХ B2B............................... 39
**Туробова Хулкар Рустамовна,**
**Чориева Нигина Кахрамоновна,**
**Буранова Маликабону Барно қизи (Бухара, Узбекистан)**
КООПЕРАЦИЯ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ХРАНЕНИЯ И ПЕРЕРАБОТКИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ .............. 42

**Файзуллаева Шахзода (Ташкент, Узбекистан)**
НЕОБХОДИМОСТЬ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ И ФУНКЦИОНИРОВАНИЮ ПРЕДПРИЯТИЙЕ ГОСУДАРСТВЕННЫМ УЧАСТИЕМ НА ОСНОВЕ ПРИНЦИПОВ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ОЭСР ........................................ 46
**Халилов Баҳромжон Баҳодирович, Нарзуллаева Гулчеҳра Салимовна, Баҳодиров Саидбек (Бухоро, Ўзбекистон)**
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ........................................ 51

## SECTION: HISTORY SCIENCE

**Gulmuradova Sobira Rustam qizi (Samarkand, Uzbekistan)**
ALISHER NAVOIYNING TILSHUNOSLIKKA OID QARASHLARI (580 YILLIGIGA BAG'ISHLANADI) ........................................ 56
**Sovetkhan Raushan Aibolkyzy (Almaty, Kazakhstan)**
NECROPOLISES OF THE ARAL-CASPIAN REGION IN S.E. AZHIGALI'S RESEARCH ........................................ 59
**Умматова Эъзоза (Жиззах, Ўзбекистон)**
ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ХУСУСИДА (БАХМАЛ ТУМАНИ МИСОЛИДА) ........................................ 63

## SECTION: INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES

**Куанышбаева Дилфуза (Нукус, Узбекистан)**
ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ИНТЕРНЕТ- ЖУРНАЛИСТИКИ ........................................ 70
**Федосенко Сергей Иванович (Минск, Беларусь)**
ПРЕИМУЩЕСТВА АВТОМАТИЗИРОВАННЫХ СЕРВИСОВ ПРОКАТА ЭЛЕКТРОТРАНСПОРТА ........................................ 73

## SECTION: MEDICAL SCIENCE

**Mamarizaev A. A., Hamrayev O. A., Yahyoev S. M. (Andijan, Uzbekistan)**
MALE INFERTILITY IN STERIL MARRIAGES ........................................ 77
**Qurbonov N. Z., Raxmatov F. I., Gyosov N. G., Matlubov M. M., Pardayev SH.K. (Samarqand, Uzbekistan)**
GIPERTONIYA KASALLIGI BO'LGAN BEMORLARDA QORIN BO'SHLIG'I AZOLARI SIMULTAN OPERATSIYALARIDA KOMBINATSIYALI ANESTEZIYA ........................................ 82
**Алимова Н. П. (Бухара, Узбекистан)**
СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ДЕТЕЙ 5-6 ЛЕТ ГОРОДСКОЙ И СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ ........................................ 84

## SECTION: PEDAGOGY

**Abdullayeva Maxmuda Shukrillo qizi (Toshkent, O`zbekiston)**
XORIJIY TILLARNI O`QITISHDA PSIXOLOGIK–PEDAGOGIK BILIMLARNING AHAMIYATI ........................................ 87

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 1 (35) ISBN 978-83-949403-3-1

**Халилов Баҳромжон Баҳодирович**
**ўқитувчи,**
**Нарзуллаева Гулчеҳра Салимовна**
**ўқитувчи,**
**Баҳодиров Саидбек**
**Талаба**
**Бухоро Давлат Университети**
**(Бухоро, Ўзбекистон)**

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

***Аннотация**: Ушбу мақолада ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг ўрни, Ўзбекистондаги банкларнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари ёритиб берилган. Давлатнинг молиявий асосини шакллантиришда банкларнинг иқтисодий аҳамияти ва шартлари таҳлил қилиб, натидалар бериб борилган.*
***Калит сўзлар**: рақамли иқтисодиёт, тижорат банки, иқтисодиёт, кредит, молия, инвестиция, ликвидлик, омонат, қимматли қоғозлар.*

Рақамли иқтисодиётда тижорат банклари ўз фаолиятини доимий равишда ўсиб борувчи рақобат шароитида амалга оширадилар. Улар ўзаро ва бошқа кредит-молия муассасалари билан, шу жумладан, охирги вақтда таклиф этилаётган ҳар хил хизмат турларини амалга оширувчи хорижий банклар билан рақобатлашадилар.Кучли рақобат шароитида тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири инвестицион фаолият ҳисобланади.

Инвестиция – бу хусусий, давлат корхоналари ва ташкилотлари қимматли қоғозларига узоқ муддатга қўйилган маблағлардир.

Тижорат банклари томонидан инвестицион фаолият олиб боришдан асосий мақсад уларнинг даромадлилиги ва ликвидлилигини (банкнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилияти) таъминлашдан иборат. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида тижорат банк-ларининг инвестицион сиёсати банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади ва банкларнинг ликвидлилигини таъминлашда асосий ўрин тутади. Банкларнинг инвестицион фаолияти турли хил қимматли қоғозлар: оддий ва имтиёзли акциялар, облигациялар, давлат қарздорлик мажбуриятлари, депозит сертификатлари, вексель ва бошқаларга маблағларини қўйиш орқали амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг инвестицион фаолияти даромад келтириши нуқтаи назаридан банк даромади таркибида кредит фоизидан кейинги иккинчи манбадир.

Тижорат банклари инвестицион фаолиятининг даромадлилик даражасига бир қатор иқтисодий ва ташкилий омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар орасида асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– давлатнинг барқарор ривожланувчи иқтисодиёти;

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 1(35) ISBN 978-83-949403-3-1

– кредит-молия тизимининг силлиқланган ва аниқ фаолият юритувчи тизимининг мавжудлиги;

– қимматли қоғозлар бозорининг замонавий ва ривожланган муассасаларининг мавжудлиги;

– қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари фаолиятини назорат этувчи қонуний актлар ва тартибларнинг мавжудлиги;

– тижорат банкларининг халқаро инвестицион фаолиятини юритиш амалиётида бўлган юқори сифатли қимматли қоғозлар муомаласининг амал қилиши;

– инвестицион фаолият соҳаси ва қимматли қоғозлар бозори учун мўлжалланган юқори малакали мутахассислар ва тадбиркорларнинг мавжудлиги, уларни тайёрлаш ва бошқалар.

Алоҳида олинган қимматли қоғозлар турлари ва гуруҳларининг даромадлилиги банклар инвестиция портфелининг бозор баҳосига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, қуйидаги омиллар таъсирида ўзгариб туради. Булар: облигацияларнинг фоиз ставкалари, ҳисобга олинган фоизлар, векселлар бўйича фоизлар, акция бўйича девидендлар ва қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклифлардир.

Одатда, қимматли қоғозларнинг бозор нархи ва ундан тижорат банклари оладиган даромад тескари мутаносибликдадир. Қимматли қоғозлар баҳоси паст бўлганда, улардан келадиган даромад юқори ва аксинча бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, фоиз ставкаларининг ошуви салбий ва ижобий томонларга эга бўлади.

Қимматли қоғозларнинг фоиз ставкалари ошганда, маблағларни инвестиция қилиш банкка фойда келтириши мумкин, аммо юқори фоиз ставкалари, ўз навбатида, банкнинг инвестиция портфелининг қадрсизланишини билдиради. Бундай ҳолат қимматли қоғозлар бозорида юз берганда, амалиётда банкнинг инвестицион маблағлари боғланган ёки «ёпилган» дейилади.

Қимматли қоғозларнинг алоҳида турлари бўйича даромадлилик даражаси фоиз ставкасининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ҳолларда қимматли қоғозларнинг муддати муҳим ўрин тутади. Қимматли қоғознинг амал қилиш муддати қанчалик қисқа бўлса, унинг баҳоси ҳам шунчалик барқарор ва аксинча, муддати қанчалик узоқ бўлса, фоиз ставкалари даражасининг ўзгариши шунчалик тебранишлар таъсирига учрайди.

Банкнинг қимматли қоғозларни сотиб олиш асосида банкларнинг инвестицион портфелини ташкил қилишдан асосий мақсади нафақат банкка даромад келтириш ва захирани тўлдиришнинг биринчи манбаини ташкил этиш (нақд пул ва бошқа банкларнинг қарзлари), балки амалда деярли йўқотишсиз, энг кам таваккалчилиги билан, энг қисқа вақти ичида қимматли қоғозларни нақд пулга айлантириш имконига эга бўлишдан иборат.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзининг юқори самарадорлик, тўловлилик, ликвидлилик даражасини ушлаб туриш мақсадида тижорат банки доимо инвестицион фаолиятининг марказий муаммоларидан бири – банкка омонат қўйганлар ва акционерлар ўртасидаги бир-бирига мос келмайдиган

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 1 (35) ISBN 978-83-949403-3-1

манфаатларни қондириш масалаларига эътибор бериши ва ҳар томоннинг манфаатига мос келувчи даражада бўлишини таъминлашдан иборат. Бу муносабатларда томонлар манфаатининг мос келмаслиги банкнинг ликвидлиги ва банк операцияларининг даромадлилиги ўртасидаги қарама-қаршиликда ўз аксини топади. Аниқроғи бу қарама-қаршилик деярли банкнинг ҳар бир операциясида ўз аксини топади. Бир томондан акционерлар юқори даромад олишни исташади, яъни бу ҳолда банк маблағларни узоқ муддатли қимматли қоғозларга инвестиция қилишлари лозим ва иккинчи томондан банкка омонат қўювчилар ўз омонатларини тезда қайтариб олиш имконига эга бўлишлари лозим.

Ликвидлик ва даромадлилик орасидаги зиддият инвестиция таваккалчилигини аниқлайди ва у тижорат банки томонидан юқори даромадга ликвидлилик даражасини пасайтирмаган ҳолда эришиш имкониятлари эҳтимоли сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Тижорат банкларининг инвестицион фаолиятида қуйидаги таваккалчилик омилларини учратиш мумкин. Булар: кредит, бозор ва фоиз таваккалчиликларидир.

Кредит таваккалчилиги қимматли қоғоз эмитенти молиявий аҳволининг, имкониятининг пасайиши билан боғлиқ бўлиб, бунда у молиявий мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмайди. Бундан ташқари, кредит таваккалчиликлари ҳукумат ва давлат ташкилотларининг аҳолидан олинган заём маблағлари бўйича тўлаш қобилияти билан ҳам боғлиқдир.

Давлат ҳокимиятининг нафақат заёмлар олиши, балки ўз мажбуриятларини тўлаш қобилиятига эга бўлиши давлатнинг қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилиш ва бутун молия-кредит механиз-мининг аниқ фаолият юритиши учун муҳимдир.

Бозор таваккалчилигининг моҳияти қимматли қоғозлар бозорида кутилмаган ўзгаришлар юзага келиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўзгаришлар натижасида баъзи бир қимматбаҳо қоғозларнинг инвестиция объекти сифатида қадри тушиши мумкин ва уларнинг сотувини фақатгина катта чегирма билан амалга ошириш мумкин бўлади.

Тижорат банкининг ўз ликвидлилигини хавф остига қўйиб, даромад олиш мақсадида салмоқли маблағларини инвестицион фаолиятга қўйиши банк ишида катта ёки кичик миқдорда инвес-тицион таваккалчиликнинг юзага келишига имконият яратади. Бундай ҳолда тижорат банкларининг инвестицион фаолияти қимматли қоғозлар билан актив операциялар олиб бориш таваккалчилиги билан боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, банк раҳбариятидан бу соҳада аниқ тактика, стратегия ва иш режасини ишлаб чиқишни, яъни инвестиция сиёсатини олиб боришни талаб этади.

Шундай қилиб, банклар тизимида инвестиция сиёсати – тижорат банклари фаолиятининг бир йўналиши бўлиб, у маълум таваккалчилик даражасига асосланган банкнинг қимматли қоғозлар билан актив операцияларини ўз ичига олади ва банк фаолиятининг даромадлилиги ва ликвидлилигини таъминлашга қаратилган бўлади.

Инвестиция фаолиятининг тамойиллари ва қимматли қоғозларга маблағларни қўйишининг асосий омиллари – даромадлилик, ликвидлик ва таваккалчилик – орасидаги боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда ҳар бир тижорат

банки юқоридаги омиллар таъсирини англаган ёки англамаган ҳолда ёки бу инвестиция сиёсатини яхши ёки ёмон амалга оширади. Бу, ўз навбатида, банкнинг инвестиция сиёсатида банк томонидан маълум даражадаги инвестиция таваккалчиликка боришини англатади ва тижорат банкининг инвестиция сиёсатида тегишли чоралар ишлаб чиқиш зарурлигини англатади.

Инвестиция билан боғлиқ таваккалчиликларни камайтириш усулларидан бири бу банкларнинг инвестиция портфелини диверсификация қилишдир. Инвестиция портфелини диверсификация қилиш банкнинг инвестиция портфелида турли хил кўпдан кўп қимматли қоғозларнинг мавжудлигига эришишни билдиради. Диверсификация усулида инвестиция сиёсатини амалга оширишда қимматли қоғозларнинг ҳар хил хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Булар:

– уларнинг тўлаш муддати ва сифати (тақсимлангани), эмитентнинг салоҳияти, қимматли қоғозларнинг сифати бўйича диверсификация қилиш;

– қимматли қоғозларнинг географик тарқалиши бўйича диверсификация қилиш;

– қимматли қоғозларнинг тўланиш муддати бўйича мажбуриятларининг тури ва бошқалардир. Юқоридаги белгиларнинг таъминотига кўра, диверсификация қила туриб инвестиция сиёсатининг мақсадлари аниқланади.

Қимматли қоғозларнинг фоиз даражалари прогнози амалиётда назариядан фарқ қилади. Шунинг учун тижорат банклари прогноз натижаларининг ишончлилик даражасини ошириш мақсадида фоиз ставкаларининг таркибини таҳлил қиладилар.

## СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Kayimova, Z. A., & Tairova, M. M. (2016). Investment activity of commercial banks of the Republic of Uzbekistan.
2. Kubaevich, K. F., Abdullayevna, Q. Z., Axmadjanovna, S. G., & Makhmudovna, K. R. (2020). The modern state of crediting practices of commercial banks of the republic of Uzbekistan. Journal of Critical Reviews, 7(7), 387-390.
3. Абдуллоев, А. Ж., & Давлатов, С. С. (2016). Развитие сотрудничества банковского и аграрного сектора в Узбекистане. In Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования (pp. 4092-4095).
4. Кайимова, З. А. (2019). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА ИНВЕСТИЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА УЗБЕКИСТАНА. Бенефициар, (34), 9-12.
5. Кайимова, З. А., & Бахтиёрова, Г. Б. (2019). ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ И ЕГО ПРЕИМУЩЕСТВО. In НАУКА-ЭФФЕКТИВНЫЙ ИНСТРУМЕНТ ПОЗНАНИЯ МИРА (pp. 42-43).
6. Уракова, М. Х. (2018). Особенности бухгалтерского учета процессов инновационной деятельности и рекомендации по его совершенствованию. Вопросы науки и образования, (15 (27)).
7. Уракова, М. Х. (2018). Разработка и применение управленческого учета на предприятиях АПК. Вопросы науки и образования, (15), 27.

8. Уракова, М. Х., & Нутфуллоев, Т. Г. У. (2020). Кредитные отношения между банками и компаниями и их влияние на реальную экономику. Достижения науки и образования, (6 (60)).
9. Таирова, М. М., & Рахматуллаева, Ф. М. (2015). Условия формирования инновационной экономики. Наука 21 века: вопросы, гипотезы, ответы, (1), 115-118.
10. Rakhmatullaeva, F. M., & Rakhimova, T. B. (2017). Small business in Uzbekistan as the factor of increasing the employment rate. Экономика и социум, (1-1), 12-15.
11. Таирова, М. М., & Рахматуллаева, Ф. М. (2014). Прямые иностранные инвестиции как фактор развития инновационной экономики. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (8-1).